

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХАММАДИЕВА ОЛИЯ НАРЗУЛЛАЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-  
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Мухаммадиева Олия Нарзуллаевна**

Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг  
шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....5

**Мухаммадиева Олия Нарзуллаевна**

Социально-философский анализ формирования и развития двухпалатного  
парламента в Узбекистане ..... 19

**Muhammadieva Oliyа Narzullaevna**

Social-philosophical analysis of the formation and development of two House  
parliament in Uzbekistan .....37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХАММАДИЕВА ОЛИЯ НАРЗУЛЛАЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-  
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.Fal/134 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мусаев Фахриддин Абдусатторович**  
фалсафа фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Исмоил Саифназаров**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Сафарова Нигора Олимовна**  
фалсафа фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.09.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (37-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси.)

**Б.О.Тураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

**А.Р.Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Қ.Н.Назаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда парламентаризм ғояси демократия қадриятлари, очиқ фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тушунчалари билан чамбарчас боғланган. Назорат ваколатига эга бўлмаган парламентсиз мамлакатда ҳақиқий демократия бўлмаслиги, халқ ва давлат органлари ўрасидаги мулоқотда яққол намоён бўлмоқда. Шу сабабдан, фуқаролик демократиясини кишилар давлатни идора қилишда ўзлари иштирок этишларининг реал имконияти билан боғлайдилар. Парламент халқ манфаатлари асосида фаолият юритадиган давлат органи бўлгани учун, фуқаролик жамияти қуриш шароитида, унинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва аҳамияти ниҳоятда ошиб бормоқда.

Жаҳон илм-фанида давлат ҳокимияти тизимида ривожланган пропорционал ваколатли парламент ғояси ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этишда парламент назоратини тадқиқ этиш масаласи сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-фалсафий жиҳатдан устувор аҳамиятга эгадир. Жаҳонда парламентларнинг чекланмаган, мутлоқ чекланган, нисбатан чекланган ваколатлари, давлат ҳокимияти органида пропорционаллик ва муайян ҳудудлар манфаатларини муҳофаза этиш функциялари ижтимоий-фалсафий таҳлил объектига айланиб бормоқда. Икки палатали парламентнинг институционал, функционал фаолиятини фалсафанинг умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик, мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса, категориялари ёрдамида таҳлил қилиш, соҳада концептуал парадигмаларни асослаш илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқ манфаатлари асосида фаолият юритадиган икки палатали парламент шакллантирилиб, юқори ва қуйи палаталар фаолияти институционал, функционал тизимлаштирилди. Давлат органлари ва халқ ўртасидаги мулоқот механизмини шакллантиришда «парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочисига айланиб»<sup>1</sup> бормоқда. Икки палатали парламентнинг фаолиятини тизимли такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда модернизация ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлидаги зарурий фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 сентябрь ПҚ-3294-сон қарори, «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрель қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг 2016 йил 29 январдаги қарори

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: «Ўзбекистон» 2017 й. -Б.-33.

хамда мавзуга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертацияда республика фан ва технологияларни ривожлантириш кўмитаси олдида қўйилган устувор вазифалар, хусусан, I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Парламентаризмнинг шаклланиши масаласи файласуф ва сиёсатчилар илмий ижодининг асосий мавзуларидан бирини ташкил этган. Парламентаризм шаклланишининг илк куртаклари, яъни жамият ва давлат масалалари, қадимги юнон файласуфлари Платон, Аристотель асарларида муҳим ўрин тутган. Ғарб мутафаккирлари Н.Макиавелли, Г.Гроцкий, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Руссо, И.Кант, Гегель, Д.Жефферсон, А.Токвиль, К.Поппер, Ф.Хайек, Р.Паттиэм, Н.Бердяев, С.Гессен, Ю.Хабермас<sup>1</sup>ларнинг асарларида фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг умумфалсафий, назарий ғоялари илгари сурилган, уларнинг институтчионал ва функционал хусусиятлари очиқ берилган.

Шарқ мутафаккирлари ижодида ахлоқ, маънавият, умуминсоний тенглик, инсонпарварлик, эзгулик, меҳр-оқибат каби миллий-маданий қадриятларнинг демократик жамият ҳаётидаги аҳамияти каби масалалар асосий ўринни эгаллайди. Бунга мисол тариқасида Конфуций, Мо Шао, Ли Гоу, Низомулмулк, Кайковус, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Форобий, Ибн Сино, Аҳмад Югнакий, Амир Темур, Жомий, Навоий, Бобур, Аҳмад Дониш кабиларнинг асарларини келтириш мумкин<sup>2</sup>.

Миллий парламентаризмни шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари масалаларининг илмий-фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш, айниқса, мустақиллик йилларида жонланди<sup>4</sup>. Бу борада Э.Халилов, М.Шарифхўжаев, Р.Жумаев, Ҳ.Бобоев, А.Саидов, У.Тожиҳонов, Ҳ.Одилқориев, З.Исломов, Ф.Мусаев, Ш.Қудратхўжаев, Ш.Жалилов, М.Ғуломов, А.Тўлаганов, А.Қодиров, Ш.Мамадалиев, М.Файзиев, С.Жўраев, М.Мирхамидов, А.Жалолов, Л.Тангриев, М.Қирғизбоев, Л.Бойко, Н.Шодиев, С.Ҳасанов, О.Ҳусанов, А.Латифов каби олимлар асарлари муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг номлари диссертацияга илова қилинган фойдаланилган ишлар рўйхатида берилган.

<sup>1</sup> Аристотель. Политика. //Сочинения в 4 т.-М., 1983. -Т.4; Платон. Государство //Собрание сочинений в 4-х т.-Т.3.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: Халқ мероси. 1993. Низонулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк.-Т.: Адолат. 1997. Темур тузуқлари. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. Бобоев Ғ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти.- Т.: Янги аср авлоди. 2001.

<sup>3</sup>Қудратхўжаев Ш. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. –Тошкент. Шарқ. 2007. –Б. -9.

Шундай бўлсада, парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-фалсафий таҳлиliga бағишланган махсус тадқиқот амалга оширилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот марказининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши ва ривожланишининг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек парламентаризми шаклланишининг ички қонуниятлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш, унинг туб моҳиятини очиб бериш;

Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асослаш;

фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий асосларининг тизимлилик мазмунини очиб бериш;

парламентаризмни такомиллаштиришда хорижий тажриба ва миллий фалсафий-ҳуқуқий концепциялардаги тамойилларни қиёслаш;

миллий парламентаризмни шакллантиришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш;

миллий парламентнинг ҳокимиятлар бўлиниш принципини амалга оширишда, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга доир мулоҳазалар, хулосалар ва амалий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг ҳамда сиёсий партиялар фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишига доир воқеа ва ҳодисалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг методлари.** Обьективлик, тизимлилик, ворисийлик, анализ ва синтез, умумийлик, хусусийлик ва яккалик, тарихийлик, мантикийлик каби илмий методлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилар билан изоҳланади:

Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши ва аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифодаладиган вакиллик, қонунчилик, назорат функциялари фалсафанинг зарурият, умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик категориялари орқали асосланган;

парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги ва давлат бошқарувида ижтимоий назоратнинг пассионар, креатив, ижро этилишида прогрессив ва инновацион хусусиятлари очиб берилган;

парламентнинг қуйи ва юқори палатасининг шаклланиши қонунчилик ва давлат бошқарувидаги ваколатлари конституцион моҳиятга эга эканлиги, маҳаллий ҳудудлар манфаатларини ифода қиладиган вакиллик органи орқали мутаносиблик, мувозанат тизими яратилгани асосланган;

мамлакатимизда парламентнинг қонун устуворлиги, конституцион бурч, сиёсий фаоллик, депутатлар масъулиятини оширадиган тадбир ва тамойилларининг ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдаги илмий-амалий аҳамияти очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда илгари сурилган назарий хулосалар ва амалий таклифлардан сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда жамият турли қатламлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган;

фуқаролик жамияти институтлари ўртасида, давлат идоралари халқ билан мулоқот жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ишлаб чиқишда услубий кўрсатма сифатида фойдаланилган;

тадқиқотда илгари сурилган ғоя ва қарашлардан Олий таълим бакалавр йўналишларида ўтиладиган «Фуқаролик жамияти» ва «Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» каби фанларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, усуллар ва илмий маълумотларнинг расмий манбалардан, ишончли далиллардан олинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар ва журналларда чоп этилган мақолалар, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миллий парламентнинг шаклланиши ва ривожланиш омиллари, миллий ҳуқуқий маданиятни шакллантириш воситалари, демократик ислохотларни чуқурлаштиришга доир тушунчалар аппаратини янада бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда баён этилган таклиф ва тавсиялардан ижтимоий-сиёсий дастурларни, йўл хариталарини яратишда, магистратура ва бакалавр босқичларида ўқитилаётган «Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси», «Ижтимоий фалсафа», «Фуқаролик жамияти», «Фалсафа асослари» каби фанлар учун назарий ва амалий материал сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятларини ижтимоий-фалсафий таҳлилини амалга ошириш бўйича олинган илмий натижалар:

тадқиқот натижаларидаги икки палатали парламентни шаклланиши ва аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифодалайдиган вакиллик, қонунчилик, назорат функцияларини фалсафий таҳлили ва ёшларнинг сиёсий дунёқарашини шакллантириш ҳақидаги тавсияларидан И-2016-1-33 рақамли «Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш» мавзуидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. (Республика Маънавият ва Маърифат Марказининг 2019 йил 10 январдаги 01/09-23-19 маълумотномаси). Натижада парламентнинг назорат функцияси ва ёшларни сиёсий фаоллиги билан боғлиқ масалалар такомиллаштириш имконияти яратилди;

тадқиқот хулосаларидаги миллий парламентнинг шаклланишида сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, фуқаролик жамияти барпо этишда икки палатали парламентнинг ролини янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг сиёсий партиялар фаолиятини тадқиқ этишга доир фаолиятида қўлланилган. (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2017 йил 17 октябрдаги № 11/269 сонли маълумотномаси) Натижада мамлакатимизда аҳоли турли қатламлари ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг назарий ва амалий асослари такомиллаштирилди;

тадқиқот хулосаларидаги парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги ва давлат бошқарувида ижтимоий назоратнинг пассионар, креатив, ижро этилишида прогрессив ва инновацион хусусиятлари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасини такомиллаштиришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2018 йил 11 сентябрдаги №06/1-05-634-ж сонли маълумотномаси) Олинган натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунини назарий ва амалий аҳамиятини оширган;

тадқиқотнинг натижаларидаги парламентнинг қонун устуворлиги, конституцион бурч, сиёсий фаоллик, ёш депутат масъулияти сингари тадбир ва тамойиллари, ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдаги таклиф ва тавсияларидан Ёшлар иттифоқининг Ижтимоий-ҳуқуқий масалалар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими, унинг ҳудудий тузилмалардаги бўлимларида фойдаланилган. (Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 9 январдаги №04-13/116 сонли маълумотномаси). Натижада ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, билимларини такомиллаштиришга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та, жумладан, 11 та миллий журналларда ва 4 та халқаро

журналларда илмий мақолалар, 14 илмий-амалий анжуманларда тезислар эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация «Кириш», уч боб, «Хулоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» каби қисмлар ўз аксини топган 140 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети аниқланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «Парламентаризм ғоясини тадқиқ этишнинг назарий-методологик жиҳатлари» деб номланган шу бобнинг биринчи – «Парламентаризм: тушунчаси, ижтимоий-фалсафий ва тарихий илмий ёндашувлар» – параграфиди парламентаризмнинг дастлабки унсурларининг шаклланиш жараёни масалалари таҳлили ўз аксини топган.

Парламентаризм ғояси ҳозирда асосан политология ва ҳуқуқшунослик фанлари доирасида кўп тадқиқ этилган. Табиийки, мазкур тушунчага нисбатан қўлланилган назарий-методологик ёндашувлар ҳам сиёсий ва ҳуқуқий таҳлилга таянган. Шу нуқтаи назардан қараганда, диссертацияда парламентаризм ва парламент каби феноменларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини тадқиқ этишда тармоқлараро ёндашув методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, парламентни ўрганишнинг тарихий ёндашувлари қиёсий, танқидий таҳлил этилган.

Парламентаризмнинг асосий хусусияти – бу доимий фаолият кўрсатадиган, яъни аксарият иши ялпи мажлислар, кўмита ва комиссиялар йиғилишида кечадиган вакиллик муассасасининг мавжудлигидир. Унинг яна бир муҳим хусусияти фақат парламентга хос бўлган ваколатларга эга бўлишда кўринади. Бунга кўра, қонунларни қабул қилиш, давлат бюджети ва солиқларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ва тасдиқлаш, ташқи сиёсат билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш, қатор давлат органларини ташкил этиш, мансабдор шахсларни юқори лавозимларга тасдиқлаш, парламент назорати функциясини бажариш кабилар парламентаризм фаолиятининг характерли жиҳатлари ҳисобланади.

Парламент функцияси – бу унинг туб моҳияти ва хусусиятларини ифодаловчи фаолиятнинг мазмуни ва шаклидир. Мазкур таърифдан келиб чиқиб, парламентнинг учта функцияси мавжудлиги кўрсатилади: вакиллик, қонунчилик ва назорат. Бизнингча, айрим олимлар томонидан парламентнинг функциялари сифатида эътироф этилган давлат аппаратини шакллантиришда иштирок этиш, ташкилий, таъсис этиш, маҳаллий вакиллик органларига

кўмаклашиш кабилар парламентнинг алоҳида функциялари эмас, балки вакиллик, қонунчилик ва ёки назорат функцияларидан келиб чиқадиган вазибалардир. Шунингдек, ушбу параграфда “парламентаризм” тушунчасининг ижтимоий-фалсафий мазмуни, парламентаризм ғоясининг тарихий-фалсафий илдизлари таҳлил қилинган. Хусусан, замон ўзгариши билан парламентнинг роли ҳам изчил ўзгариб, унинг моҳияти янги ғоялар, тамойиллар билан бойиб боргани тарихийлик нуқтаи назаридан асослаб берилган.

Бобнинг иккинчи параграфи «Ғарб ва Шарқ: парламентаризмининг дастлабки унсурларининг шаклланиш жараёни» деб аталади. Унда қонун ижодкорлиги жараёнининг Шарқ ва Ғарб каби дунёнинг икки асосий цивилизациясидаги ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

Параграфда халқ манфаатлари асосида давлат ҳокимияти фаолиятини ташкил этишга доир Абу Наср ал-Форобийнинг қарашлари, Амир Темурнинг чора-тадбирлари ва ислохотлари тадқиқ этилган. Бундан ташқари, замонавий Шарқ жамиятлари парламентлари ва сиёсий ҳокимияти фаолиятида халқ хоҳиш-иродасининг акс этишига доир фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Диссертацияда Шарқда парламентаризм шаклланиши ва ривожланишига доир мулоҳазалар Ливан, Туркия, Ҳиндистон, Таиланд, Малайзия, Сингапур, Япония каби мамлакатлар мисолида ёритиб берилган.

Параграфда Ғарб парламентаризмининг асосий хусусиятлари Шарқда бу борадаги анааналар билан қиёсий таҳлил қилинган. Инсонлар онгида хаосни енгиб, унга қарама-қарши тартибли дунёни, коинотни қўйишга уринганлар ва бу ташкилий дунё инсон омилисиз пайдо бўлмайди. Бу ғоя асосида аста-секин Ғарб дунёқарашининг айрим белгилари шаклланади. Бизнингча, шарқона бошқарув идоралари ва институтлари фаолиятини эмас, инсоннинг маънавий дунёсини мукаммаллаштиришни назарда тутса, Ғарбдаги бошқарув институтлар тизимларини, субординация ва иерархия алоқаларини, иш юритиш технологияларини такомиллаштириш мақсадида уларни тинмай ўзгартириб боришга йўналтирилган.

Диссертациянинг «Миллий парламентаризм сари: миллий ўзлик ва халқаро тажриба» деб номланган иккинчи бобнинг биринчи параграфи «Миллий парламент – фуқаролик жамияти қуриш ва ижтимоий фаровонлик омили» деб аталади. Унда миллий парламентаризмнинг шаклланиш босқичлари ва унинг ташкилий-ҳуқуқий ҳамда назарий асослари даврийлаштириб тадқиқ этилган. Миллий парламентаризмнинг энг янги тарихи умумэтироф этилган учта асосий даврга бўлинади: биринчи давр: 1991-1994 йиллар, иккинчи давр: 1995-2004 йиллар ва учинчи давр 2005 йилдан ҳозирги пайтгача бўлган давр Ўзбекистон икки палатали Олий Мажлисга ўтиш даврида қонун яратувчилик соҳасида катта ишларни амалга оширди ва ўзини тўла оқлади. Парламент томонидан жамият ҳаётининг турли соҳаларига тегишли бўлган қонунлар қабул қилиниши демократлаштиришнинг асосини ташкил этди. Демократик жараёнларнинг ривожланиши янги профессионал парламентга ўтиш учун сиёсий шароит яратди, халқнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданият даражаси, савияси ўсди.

Шубҳасиз, профессионал асосда ишловчи парламент ҳуқуқий демократик давлатнинг бош шартларидан биридир.

Диссертацияда «профессионал парламент» атамаси таҳлил қилинган, парламентнинг профессионал табиатини ҳам белгилаб берувчи бир қатор омиллар ажратиб кўрсатилган. **Биринчидан**, нафақат қонун чиқариш функциясини бажарадиган, балки ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалда қўллаш имконини берадиган, халқ вакиллигини ҳаққоний амалга ошира оладиган парламентнигина «профессионал парламент» деб аташ мумкин. **Иккинчидан**, депутатларнинг парламент ишида доимий иштирок этиши, яъни уларнинг ваколат муддати давомида қонун яратиш билан бевосита шуғулланишлари, бошқа турдаги фаолият билан шуғулланмасликлари ҳам профессионал парламентнинг муҳим белгисидир. **Учинчидан**, профессионал парламентнинг аъзолари қонунчилик фаолиятининг хусусиятларини яхши тушунадиган, бу жараённинг масъулиятини ҳис этадиган мутахассис бўлишлари лозим.

Икки палатали тизимга ўтилиши парламент назоратининг ролини ҳам кучайтиришга имкон берди. Палаталар ва уларнинг кўмиталари мажлисларида ҳукумат вакиллари ҳамда давлат бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ўз фаолиятининг турли масалаларига доир ахборотларини эшитиш, жойларда қонунлар ижроси бўйича назорат-таҳлил ишлари яқунларини муҳокама қилиш амалиёти ҳам ижобий натижалар бермоқда. Икки палатали парламент номарказлаштириш, маъмурий ислохотларнинг жадаллик билан олиб борилиши мамлакат сиёсий модернизациялашувининг асосини ташкил этди.

Бобнинг иккинчи параграфи – «Парламент ислохотлари: миллий анъана ва халқаро тажриба ўзаро уйғунлик диалектикаси» – да қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятида миллий ва умуминсоний тамойиллар уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Парламентаризм ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида демократик тузумга хосдир. Парламентаризмни халқ суверенитети ташкилий шаклининг ташқи ифодаси сифатида ҳам белгилаш мумкин. Парламентаризмда давлат органлари ва ижтимоий ташкилотлар ҳуқуқи мустаҳкамланиб, улар боғлиқ тизим ташкил қилинади.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида парламентаризм эркинликни таъминлашга қаратилган энг самарали ижтимоий-сиёсий механизм сифатида талқин этила бошланди. Парламентаризмнинг ваколатини, унинг давлат органларидан юксак ҳуқуқини қонуний ҳужжат конституция кафолатлайди.

XVIII–XX асрлар бошларида Буюк Британияда парламент тизими аниқ институционаллашгани сабабли кўплаб ҳуқуқшунослар Европа парламентаризмининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилин Вестминстер моделига асосланиб тузишган. Шунингдек, Буюк Британияга хос бўлган парламентаризм элементлари нафақат конституцион монархия шаклидаги, балки парламент ва президентлик бошқарувига асосланган давлатларда ҳам қабул қилинди.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги илмий адабиётларда парламент устунлиги назарияси кенг ўрин эгаллади. Аммо кейинчалик ўз мавқеини йўқота бошлади. Бироқ ташкилий куч сифатида парламент ролининг кучсизланишига қарамай, қонунчиликда ва бошқарувда у ижтимоий фикрни жонли кучга айлантириб, давлатни бошқарадиган мураккаб тизимга йўналиш берувчи, бирлаштирувчи кучли механизм сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Парламентаризмнинг кейинги ривожланиши XX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари натижасида ижтимоий-сиёсий институтлар инқирози, анархия: синдикализм, коммунизм ва фашизм пайдо бўлиши даврида парламентаризмнинг либерал интеграцияси ҳар томонлама танқидга учради. Парламентнинг либерал-демократик парадигмаси халқни давлат ҳокимиятининг илк манбаи деб тан олиниши ва унинг манфаатлари учун парламент суверенитети ғоясидан воз кечишни тақозо этади.

Диссертацияда Буюк Британия, Италия, Канада, Финляндия каби мамлакатлар парламентларининг шаклланиш тарихи ёритилган улар ривожланишининг замонавий хусусиятлари очиб берилган, улардаги қонунчилик тизимининг турли элементлари қиёсий таҳлил этилган.

Диссертациянинг «Парламентаризм ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни» деб номланган учинчи боби икки параграфдан иборат. Унинг биринчи параграфи – «Парламентаризм ривожда нодавлат ноижорат ташкилотлар ва жамоатчилик назоратининг роли» – да фуқаролик жамияти институти – жамоатчилик назорати тушунчасининг мазмуни, мақсади ва функциялари, принциплари, турлари ҳамда амал қилиш механизми аниқланган. Илмий адабиётларда билдирилган фикрлар умумлаштирилиб, жамоат назоратининг қуйидаги таърифи таклиф этилган: жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиларидан бўлиб, фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан мунтазам текширишни аниқлатади.

Бизнингча, жамоатчилик назоратининг назарий конструкциясини уч жиҳатдан талқин қилиш мумкин: 1) субъектлар таркиби; 2) инструментал жиҳати; 3) ҳуқуқий жиҳати. Жамоатчилик назоратининг субъектлар таркибига қуйидагилар киради: жамоат бирлашмалари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар; алоҳида фуқаролар, уларнинг гуруҳлари; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳалла тузилмалари, оммавий ахборот воситалари.

Фуқаролик жамиятининг турли институтлари – жамоат бирлашмалари, нодавлат, ноижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари тегишли йўналишларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида муайян тажрибага эга бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, бу соҳада ҳозирги кунда муайян камчиликлар мавжуд, ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиш

борасида камчиликларнинг мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан эътиборга олинди. Хусусан, «Сиёсий партиялар раҳбарларининг электоратни ўйлантираётган муҳим масалалар бўйича телевидение орқали аниқ-равшан ўз позициясини билдирганини ҳам эслай олмаيمиз. Нима, партия раҳбарлари матбуотда чиқишдан кўрқадими? Ёки халқ билан мулоқот қилишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини англаб етмайдиларми»<sup>1</sup>, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Тадқиқотда жамоат ташкилотларининг функциялари, уларнинг жамият ҳаётига таъсир кўрсатиш фаолияти хусусиятлари таҳлил қилинган. Мамлакатимизда ижтимоий воқеликнинг жадал суръатларда ривожланиб бориши, жамиятда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар фуқаролик жамиятининг асосий институларининг янги шакллари ва функциялари шаклланишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан параграфда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ижтимоий-маданий ва тарбиявий характердаги ихтиёрий уюшмалари, ҳуқуқ ва ҳуқуқ институтлари, оммавий ҳаракатлар, халқаро (трансмиллий) нотижорат уюшмаларнинг парламентаризм фаолиятига таъсири билан боғлиқ масалалар тизимли таҳлил этилган.

Бобнинг иккинчи параграфи – «Сиёсий партиялар ва сайловлар парламентни шакллантириш ва янгилаш институти сифатида» – да мустақиллик йилларида мамлакатимизда шаклланган сайлов тизими ва кўп партиявийлик шарт-шароитлари таҳлил этилган.

Мустақиллик йилларида ўзбек парламентчилиги демократик стандартларга мувофиқ очик ва эркин сайловлар кўппартиявийлик асосида фаолият олиб бормоқда. Бироқ бу йўлда муайян мураккабликлар, хато ва камчиликлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: «олиб бораётган ислохотларимизнинг муваффақияти, авваламбор, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг жонажон Ватанимиз олдидаги масъулиятни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир»<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни алоҳида ўрин тутди. Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири сиёсий институтларда ва сиёсий жараёнларда турли хил фикрларнинг эркин ифода қилинишига ҳуқуқий асослар яратиб бериш, плюралистик фикрлашга қобил бўлган шахсларни шакллантиришдир. Шу мақсадларда Қонуннинг 13-моддасида Олий Мажлисдаги партия фракцияларининг эркин фаолият

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси «Халқ сўзи», 13 июль 2017 й.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси «Халқ сўзи» 13 июль 2017 й.

юритишлари, ҳозирги замон ривожланган мамлакатларидаги меъёрлар талабларига мувофиқ белгилаб берилган.

Сиёсий партиянинг ташкилот сифатидаги нуфузини таъминлаб бериш манбаи бу унинг қуйи ташкилотларидаги аъзоларининг фаоллигидир. Партия аъзоларини фаоллаштирувчи омил эса партиянинг амалий фаолиятида ва унинг дастурий ҳужжатларида оддий аъзоларнинг манфаатлари нечоғлик инобатга олинганлиги билан ўлчанади. Партияларнинг энг асосий функцияларидан яна бири бу нафақат ўз аъзолари ва таянч базаси бўлган ижтимоий қатламнинг манфаатларини ифодалаш, балки уларнинг ўз манфаатларини англаш даражасига эришишига ҳам кўмаклашидир.

2017 йил 12 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида парламентимиз олдида турган ўткир муаммоларни аниқ санаб ўтди, уларни очик-ойдин муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун амалий ҳаракатлар қилиш вақти келганини таъкидлади. Жумладан, давлатимиз раҳбари: «бугунги кунда сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтолмаймиз. Улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида ўзининг мустақкам ўрнини эгаллай олмади»<sup>1</sup>, деб ўта танқидий, бироқ адолатли фикрни билдирди.

## ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий хулосаларга келинди:

**1.** Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда парламентаризмнинг фуқаролик жамияти институти сифатида шаклланиши, унинг халқ томонидан эътироф этилиши, шунингдек, сайловлар жараёнларига замонавий демократик тамойилларнинг жорий этилиши натижасида фуқароларнинг ижтимоий – сиёсий фаолликлари, сиёсий жараёнлардаги иштироклари тўхтовсиз ошиб бормоқда.

**2.** Ўзбекистонда миллий парламентаризм, сиёсий партиялар ва сайловларнинг ҳуқуқий асосларининг демократик қадриятлар ва миллий анъаналар уйғунлиги заминида ривожланиши натижасида фуқаролик жамиятига хос бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатлар шаклланди. Сайловларда адолат тамойилларининг амал қилиши ва уларнинг халқчиллик асосида ўтказишга доир ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлиги фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги муҳим вазифалар сифатида баҳоланиши лозим.

**3.** Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий парламентаризмнинг шаклланиши жараёни, бир томондан, ривожланган

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // «Халқ сўзи» 13 июль 2017 йил.

мамлакатлар тажрибасига, умуминсоний тамойил ва меъёрларга мос келган бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистонда минг йиллар давомида яшаб келаётган адолат ва халқчиллик каби миллий қадриятларни ҳам ўзида мужассам этди.

**4.** Мамлакатимизда ўтказилган миллий парламентаризмни шакллантиришга доир ислохотлар, сиёсий партиялар ва демократик сайловлар фуқаролик жамиятининг институти сифатида жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалай бошлади. Жамият аъзолари иродасининг миллий парламентаризм, сиёсий партиялар ва демократик сайловлар воситасида давлат сиёсатида тарзида ифодаланиши натижасида фуқаролик жамиятига хос бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг шаклланиши учун кенг шарт - шароитлар яратилди.

**Бешинчи.** Фуқароларнинг сайловларда иштироки натижаларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, сайловчилар ўзларининг фуқаролик бурчларини бажариб, демократик қадриятлар талабларига жавоб бера оладиган сиёсий етуклик даражасини эгаллаганликларини намоён этди.

**Олтинчи.** Мустақиллик йилларида ўтказилган миллий парламентаризмни шакллантиришга доир ислохотлар, сиёсий партиялар фаолиятидемократик сайловларнинг якуний натижалари кўрсатадики, мазкур жараёнлар мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари ривожланиб бораётганлигини намоён қилди, фуқаролар дунёқарашида демократик принциплар шаклланаётганлиги ўз исботини топди.

